Ушбу сонда:

2 ҲАР БИР ИШЛОВЧИГА БИР ТОННАДАН БУҒДОЙ

3 НУРБУЛОҚ ҚИШЛОҒИДАГИ СИҲАТГОҲ

4 *Зиё* ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 17 сентябр, чоршанба № 146 (1571)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 йил 18-19 сентябр кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Украинанинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Ташриф давомида МДҲ доирасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш ва қатор муҳим ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

МАҲАЛЛА МАРКАЗИДА СПОРТ МАЖМУИ

Вилоят марказида барча қулайликларга эга маҳалла маркази иш бошлади.

Обод маҳалла йили муносабати билан ташкил этилган марказ вилоят маҳаллалари ишини назорат қилиб, зарур пайтда уларга амалий ёрдам бериб боради. Икки қаватли бинога Фарғона шаҳар «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Оила» илмий-амалий маркази, вилоят «Маҳалла» жамғармаси идораси жойлаштирилди. Марказнинг ўз стадиони, теннис корти, спорт зали мавжуд. Келгусида бу ерга фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган оқсоқол ва котиблар, хотин-қизлар кенгашлари раислари, педагог-тарбиячи, посбонлар сардорлари ва бошқа ходимлар ҳам жойлашади.

Маҳалла марказининг очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар фуқаролик жамиятида ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ўрни ва роли, маҳалла фаолларининг галдаги вазифалари ҳақида, янги иш бошлаган ушбу маҳалла марказининг аҳамияти тўғрисида гапирди.

Марказнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

(ЎзА)

ТАЛАБАЛАР ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ЯРАТДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида республика олий ўқув юртлариаро янги ўқув йилида факультет деканларининг "Таълим сифатини кўтариш режалари, мазмуни ва бажариш чора-тадбирлари" мавзуида анжуман ўтказилди.

Бугун иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби таълим соҳасида ҳам ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш энг долзарб масала ҳисобланади. Мазкур йўналишда иш олиб борган кўплаб ривожланган давлатлардаги ўзгаришлар бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу тажрибадан келиб чиққан ҳолда 2002 йилда давлатимиз раҳбари томонидан компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги Фармон имзоланди. Унда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий ўқув юртларидаги таълим жараёнига замонавий компьютерлар ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, шу асосда илғор усуллардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугун малакатимиздаги барча олий ўқув юртларида бўлгани каби Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам бу борада кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Университетнинг иқтидорли талабалари томонидан иқтисодий информатика фанидан электрон дарслик яратилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бундай электрон дарсликларни, дастур ва қўлланмаларни, умуман, илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларни таълим тизимига жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда . Барча олий ўқув юртлари факультет деканлари иштирокидаги мазкур анжуман 2002 йилдан бошлаб ҳар ойда бир марта Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиб келинади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур анжуманнинг асосий мақсади Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини таълим тизимига босқичма-босқич татбиқ этишдир.

"Туркистон-пресс"

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ

АҚЛ-ФАРОСАТ ҲУКМРОНЛИГИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШДИР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар ЖАҲОНГИРОВА билан мулоқот

- Дилбар Набиевна, Сиз Олий Мажлис депутати сифатида республикамиз хаёти учун ғоятда муҳим саналган конунларни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда иштирок этасиз. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қабул қилинган тарихий ҳужжатлар ҳақида тўхталсангиз.

- Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга киришган Ўзбекистонимизда жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор берилаётир. Зеро, қонунлар жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир. Қонунлар инсон ва жамият ҳаётининг асос заминини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода мустақиллик йилларида Ўзбекистон Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган қонунлар инсонпарварлик, эзгулик ва адолат тамойилига асосланган. Қонун қабул қилиш мураккаб жараён. Унинг лойиҳаси қиёмига етгунга қадар минг чиғирикдан ўтаётгани, барчадан мукаммал билим ва изланиш талаб қилаётгани сир эмас. Қолаверса, ҳар қандай қонун муайян давр маҳсули. Донишманд Арасту айтганидек, «Қонунлар ақл-идрок инъикоси. Унинг устуворлигини талаб қилган кимса фақат илоҳийлик ва ақл-фаросат ҳукмронлигини талаб қилган бўлади». Олий Мажлисда қонунлар яратиш жараёнида иштирок этаётган ҳар бир депутат айни чоғда шу қонунларни фуқаролар онгига сингдириш, уларга хизмат қилиши йўлида асосий тарғиботчи ҳисобланади. Негаки, элулус ўзи сайлаган депутат қиёфасида Ўзбекистон парламенти ва унинг қонунлари мазмунмоҳиятини кўргандек бўлади.

Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида янги қабул қилинган ва қўшимчаю ўзгартиришлар киритилган қонунларнинг барчаси фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси, қолаверса, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, турли маънавий ва моддий зарарлардан ҳимоя қилишни кўзда тутади.

(Давоми 2-бетда)

ТОҒЛАР ОШИБ ГАЗ КЕЛДИ

«Шўртан-Шеробод» газ магистрали қурилишининг биринчи босқичи якунланди. Шўртандан тортилган қувурлар Бойсунга бориб уланди. Бу салкам 190 километрли масофа демакдир.

Лойиҳада газ тармоғи аввалги «Келиф-Душанбе» магистралига уланиши кўзда тутилган. «Шўртан-Шеробод» трассаси деб аталувчи ушбу магистрал тўлиқ ишга тушгач, Сурхондарё вилоятида газ таъминоти янада яхшиланади.

Магистрал қурилиши жадал олиб борилди. Бош пудратчи - «Ўзнефтгазқурилиш» ҳиссадорлик компанияси 23 миллиард сўмлик иш бажарди. «Ўзтрансгаз», «Ўзавтойўл», «Бухорогазсаноатқурилиш» каби кўплаб пудратчи ташкилот ва ҳиссадорлик жамиятлари қурувчиларининг улуши ҳам катта бўлди.

Юқори босимли газ қувурини Деҳқонобод ва Бойсун туманларининг баланд тоғларидан, дара-ю қояларидан олиб ўтиш, пайвандлаш осон бўлмади. Аммо қурувчиларимиз барчасининг уддасидан чиқди.

(ЎзА)

Республикамиз доимий ярмаркаларида

МАҲСУЛОТ МЕҲМОНГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ

«Андижонматлуботсавдо» акциядорлик компанияси рўпарасидаги маҳобатли бино шу кунларда кўпчилик эътиборида. Сабаб бу ерда кўргазмали доимий чакана-улгуржи савдо ярмаркаси ишлаб турибди.

Ярмарканинг савдо залидан мактаб либослари, тўй сарполаридан тортиб турли қурилиш материлларигача ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, бу ердан талаб ва эҳтиёжга зарур барча турдаги халқ истеъмол молларини топишингиз мумкин. Қувончлиси, улар ўзимизда ишлаб чиқарилган. Мақсад – ўзбек заминининг саховатини, халқимизнинг ишбилармонлиги, қўлигуллиги, иқтисодиётимизнинг бақувватлигини намойиш қилишдир.

Ярмаркада савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 63 та ҳиссадорлик жамияти, кичик ва ўрта бизнес эгалари иштирок этишмоқда. 699 турдаги халқ истеъмол моллари намойиш қилинмоқда. Ярмаркада товарлар билан танишиш ҳамда шу ернинг ўзида маҳсулот сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш, буюртма бериш, чакана харид қилиш имконияти яратилган. Бунинг учун малакали товаршунослар гуруҳи хизматингизга ҳозиру нозир. Улар халқ истеъмол молларининг тури, нархи, сифати ҳақида маслаҳатлар беради.

Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига қарашли бўлим харидорлар билан гавжум. Бу савдо заминини айланарканмиз «Казартур» корхонаси маҳсулотларини кўздан кечираётган меҳмонга кўзимиз тушади. Айтишича, Бухоронинг Вобкент туманидан экан. Савдо-сотиқ билан шуғулланаркан.

- Эркаклар кўйлаклари ёқиб тушди, - деди у. Жуда бежирим тикилган. 100 жуфт харид қилишни мўлжаллаб турибман.

Енгил саноат вазирлигига қарашли «Тонг» ҳиссадорлик жамиятининг аёллар курткаси тошкентлик ишбилармон Муҳаббат Ҳасановани маҳлиё қилган. У курткани эгнига кийиб, кўзгуга разм солади. Либос қуйиб қўйгандек ярашиб турарди.

Товаршунос Тўхтахон Раҳмоновани самарқандлик хусусий корхона эгадори Муслимбек Синдоровга олди-сотди шартномасини расмийлаштириш, товар харид қилиш тўғрисида маслаҳатлашаётганда учратдик. Андижонда ишлаб чиқарилган чарм маҳсулотлари, эркаклар ва аёллар пойабзаллари меҳмонга маъқул тушганди. Мулкдор ярмарка ҳисоб рақамига пул ўтказиш учун ён дафтарига ҳамкорининг банк реквизитларини ёзиб олаётганди.

- Италия, Бельгия курткаларини илгарилари ҳавас қилиб киярдик. Билсак, вилоятингиздаги «Олтин дери» корхонаси маҳсулотлари хорижникидан қолишмас экан, бежирим, кўркам, пишиқ.

Эътиборлиси, ярмаркада маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга алоҳида ўрин берилган. Мулкдорлардан Абдувоҳид Расуловга қарашли юмшоқ мебел маҳсулотларини харидорлар қизиқиш билан кўздан кечиришаётир. Диван, кресло, тўшамалар ҳар бир хонадоннинг кўрки бўлиши турган гап. Айниқса, фойдаланишга қулайлиги, сифати, ташқи безаги билан харидорларга маъқул бўлаяпти.

Юқорида айтганимиздек, ярмарканинг хизмат кўлами анчагина кенг. Дейлик, ошхона ёки меҳмонхонангизни безамоқчисиз. Маҳсулотлардан намуналар, корхонанинг телефон рақами ва бошқа қўшимча маълумотларни қидириб овора бўлманг. Ярмаркада бу ҳақда сизга маълумот беришади. Деворга ёпиштириладиган гулдор кафеллар, безакли плиталар, ваннахонага оро берадиган жиҳозлар пештахталарга дид билан терилган.

Кўргазма қишин-ёзин ишлаб туради. Кузги-қишки либослардан истаганингизча харид қиласиз. Вилоятдаги «Ривож» кичик корхонасининг кузги ва қишки эркаклар костюмлари, болалар либосларидан харид қилсангиз, асло афсус қилмайсиз. «Ўзбек ипаги» уюшмаси бўлимидаги маҳсулотлар ялял товланиб турибди. Камалакранг хон атласлар, сўлқиллама крепдишинлар андижонлик пиллакорлар меҳнатининг маҳсули. Фарғонадаги «Ўзсаламандра» ҳиссадорлик жамиятининг кузги пойабзаллари савдоси ҳам жуда чаққон. «Косонсойтекстил» корхонасининг момиқ одеяллари, «Шуҳрат-беклюкс» хусусий корхонасининг келин-куёв либослари қўлма-қўл.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ОЛИМ ОТАЛИҒИДАГИ МАКТАБ

Селекциячи олим Адхат Батталов ўз маблағлари ҳисобидан Бухоро шаҳри Файзулла Ҳўжаев туманидаги 25-ўрта мактаб ўқувчиларига 250 минг сўмлик ўқув адабиётлари сотиб олиб берди.

Олимни кўпчилик "Бухоро" навли янги пахтанинг ижодкори сифатида танийди. Айтиш керакки, у аввал ҳам ушбу мактабга "Пентиум -4" русумидаги тўртта компьютерни тақдим қилиб, ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига ўз муносиб улушини қўшганди. Олим ўша пайтда совғаларни мактаб директори М.Бобоевга топшираётиб, йилнинг охирга қадар ўз оталиғидаги мактабга ўқув дарсликлари масаласида ёрдамлашишга ваъда берганди. Мана эндиликда олим ўз сўзининг устидан чиқиб, болаларни қувонтирди.

"Туркистон-пресс"

Халқ амалий санъати

«ЯНГИОБОД»ЛИК ҲУНАРМАНДЛАР

Косон шаҳридаги «Янги обод» маҳалласида 1059 оила истиқомат қилади. Ҳунарманду косиблари билан машҳур ушбу маҳаллада юздан ортиқ халқ усталари меҳнат қилмоқда. Улар аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган ўнлаб турдаги халқ истеъмол молларини ясашади.

Суратда: кулоллар З.Давронов ва Ф.Мўминова ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари билан.

Ш.ШАРИПОВ (ЎзА) олган сурат

«Ишонч» фош этади

ДАВО ЎРНИГА ЖАФО ДОРИЛАР

Коракўллик Вафо Сафаров «Янгибозор» ширкат хўжалигининг Кундаков қишлоғида истиқомат қилса-да, бутун умри туман марказидаги деҳкон бозорида ўтарди. Бозорнинг гох у, гох бу бурчагидан қўним топар, йўл-йўл сумкасидаги сигаретлар тугаши биланоқ кўздан ғойиб бўларди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, сумкасини сигаретларга тўлдириб яна пайдо бўларди.

Бухоро вилоят давлат солиқ хизмати ходимлари шу ҳолат сабаб бўлиб, уни зимдан кузатишди. Маълум бўлишича, чаққон «тадбиркор» сигаретларни бир танишининг гаражига жойлаган тамаки маҳсулотларини ими-жимида пуллаб келаётган экан. Айтганча, гаражга 23 миллион сўмлик 58 минг қути акциз маркасиз «Pine» сигаретаси яширилган экан. Улар қаердан олиб келинганлиги ва бунга кимлар ҳомийлик қилганлиги энди маълум бўлади. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширув пайтида Жарқўрғон нефт базасига қарашли 14-АЁҚШ бош тақсимловчиси Давлат Маматмуродов 60 минг 690 сўм нақд пул тушумини назорат, касса машинасига киритмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ғазнадаги нақд пул тушуми билан сотилган ёнилғи ўртасидаги тафовут қиёслаб кўрилганида, 2 миллион 459 минг сўмлик камомадга йўл қўйилганлиги ойдинлашди. Эгриқўл бош тақсимловчи энди оёғи кўйган товуқдек ўзини қўярга жой тополмай юрибди.

Афсуски, хуфя даромад орттираётган учарлар Самарқанд вилоятида ҳам оз эмас экан. Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган қисқа муддатли текширувлар давомида бир нечта яширин цех фош этилди. Уларнинг бирини фуқаро Ўктам Иноятов ўз хонадонида ташкил этиб, печенье ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидек, унга эргашиб қўшнилари – Муродилла Нормуродов, Розиқ Низомов ва Бахриддин Баратов ҳам яширин цехлар очишибди. Текширув давомида сохта тадбиркорлар қайд гувоҳномасисиз фаолият кўрсатаётганликлари камлик қилгандек, табиий газ ва электр қувватидан ўзбошимчалик билан фойдаланганликлари ҳам аниқланди.

Хуфя бизнесга Нарпай туманидаги «Майдақозоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Содиқ Турсунов ва Жасур Дусаков ҳам ҳирс қўйган эканлар. Улар табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, яширинча алебастр тайёрлаб сотишаётган пайтда фош этилди. Текширув ўтказилган куни сохта тадбиркорлар хонадонидаги қўлбола цехлардан сотувга тахт қилиб қўйилган қоп-қоп алебастрлар далилий ашё сифатида олинди. Энг ачинарлиси, бу қурилиш маҳсулотларининг сифати талабга жавоб бермайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ноқонуний йўллар билан сифатсиз алебастр ишлаб чиқариб харидорларни алдаб келаётган бу сохта тадбиркорлар фаолиятидан, наҳотки, маҳалла фаоллари бехабар бўлсалар?!

Самарқанд вилояти солиқ хизмати ходимлари бошқа йўналишлар бўйича ҳам текширувлар ўтказиб, кўплаб қонунбузарликларнинг олдини олишга эришмоқдалар. Чунончи, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан навбатдаги оммавий рейд ўтказилди. Шу жараёнда ургутлик Исмоил Турсунов 248 минг, Носир Насруллаев 313,6 минг, Равшан Аминов 1097,4 минг сўмлик ҳужжатсиз чет эл моллари билан савдо қилаётган пайтда қўлга тушди.

Текширувлар давомида фақат ҳужжатсиз товарлар эмас, балки дори-дармонлар ҳам сотувга чиқарилаётганлиги аниқланди. Масалан, Ўргут туман марказий поликлиникаси биносида жойлашган дорихона фаолияти кўздан кечирилганида, ана шундай ҳолатга дуч келинди. Дорихонада назорат-касса машинаси ўрнатилмаган. Ажабки, дорихона мудири Халил Ғаффоров сотувга кўйилган 58 минг 250 сўмлик 44 турдаги дори-дармонлар қаерда ва қачон ишлаб чиқарилгани, сифат сертификати бор-йўқлигидан бехабар эмиш. Сифатсиз дорилар даво ўрнига жафо бўлиши мумкинлигини, наҳотки, мудир буни тушуниб етмаса. Ёки жарақ-жарақ пуллар олдида кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолганмикан?!

Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари кейинги ойларда 1251 та хўжалик юритувчи субъектда қисқа муддатли текширувлар ўтказишди. Натижада 1161 та субъектда амалдаги қонунқоидаларга зид равишда иш олиб борилгани маълум бўлди. Мисол учун Оҳангарон тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида жойлашган «Анком-2» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда ўрнатилган «Самсунг-4615» русумли назорат-касса машинаси носоз бўлгани ҳолда 3 миллион 394,5 минг сўмлик нақд пулда ҳисобкитоб ишлари амалга оширилган. Натижада катта чалкашликлар келиб чиққан.

Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги раҳбари М.Усмонов ҳам молиявий қонунбузилишларга йўл қўйган. Маҳсулот савдоси ва ижара ҳақи бўйича тушган салкам 42 миллион сўм нақд пул маблағлари банкка топширилмаган. Бу каби ҳолат «Келес» ҳиссадорлик жамиятида ҳам рўй берган. Бу ерда банкка топширилмаган нақд пул маблағи 2,5 миллион сўмни ташкил этган. Молиявий бузилишларга йўл қўйган раҳбарларга амалдаги қонунчилик бўйича молиявий жарималар қўлланилди.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ

АҚЛ-ФАРОСАТ ҲУКМРОНЛИГИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШДИР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар ЖАҲОНГИРОВА билан мулоқот

(Боши 1-бетда)

Биргина «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунни оладиган бўлсак, ундан кўзда тутилган мақсад нималардан иборат? У қандай зарурият туфайли қабул қилинди? Аввало, бу қонун мамлакатимизда демократик принциплар мустаҳкам қарор топиб бораётганининг яна бир ёрқин далилидир. Жамоат фонди жаҳоннинг кўплаб ривожланган, демократик давлатларидагина мавжуд бўлган нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан бири ҳисобланади. Муҳим ҳужжатнинг мақсади жамоат фондларини ташкил этиш, улар фаолиятини юритиш, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Шунингдек, жамоат фондлари жамоатчилик асосида фаолият юритади ва улар бажарган ишларни ўзи мустақил амалга оширади. Жамоат фонди асосан муассислар, бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан фонд қайси ижтимоий фойдали мақсад учун ташкил этилган бўлса, ана шу мақсадда бериладиган молиявий маблағларни қўшиш асосида таъсис этиладиган аъзолари бўлмаган ташкилотдир. Бир тарафдан аъзолари бўлмаслиги ва иккинчидан молиявий маблағларни тақсимлаш фонд бошқарув органлари фаолиятини назорат қилишнинг алоҳида механизмини талаб қилади. Шу билан бирга қонун маълум ижтимоий масалаларни қўллаб-қувватлаш ёки ривожлантириш, саховатли кишиларнинг маблағ ажратиб, уни ишончли ташкилот ва одамларга топширишлари учун ҳуқуқий кафолат яратади.

Бундан ташқари фондлар ўз фаолиятларини ривожлантириш ва ўзларига ажратилган маблағларни янада кўпайтириш мақсадида филиаллар тузишлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг низом капиталида иштирок этишлари, маблағларнинг четга чиқиб кетишига хавф туғдирмайдиган фуқаролик - ҳуқуқий битимларни тузишлари мумкин.

Асосий тамойили меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон касаба уюшмалари қонунларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, қонунчиликни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли бўлган бирор бир қонун лойиҳаси касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолмаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида», «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида», «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги ва бошқа Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама этишда касаба уюшмалари Федерацияси мутахассислари томонидан юздан ортиқ таклифлар киритилди ва уларнинг аксарияти қонун лойиҳаларида ўз аксини топди.

- Ҳозирги даврда касаба уюшмаларининг жамиятимизда тутган ўрни, мавкеи ҳақидаги фикрларингиз қандай?

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг олий қадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, қадри асос қилиб олинган. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ҳам меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш бош мезон ҳисобланади. «Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ», деган ғоя эса ҳаракат дастуримизнинг негизини ташкил этади. Зеро, олам гултожи - инсонга хизмат қилиш, уни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш жонажон ишимиздир. Биз ҳузуримизга умид билан келган ҳар бир фуқаро дардига малҳам бўлиш, мушкулини осон этишни шарафли бурчимиз деб биламиз. Бу эзгу ишга малакали мутахассислар ва тажрибали ҳуқуқшунослар сафарбар этилган. Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирсам.

Тошкент вилоятидан суд тиббий экспертиза мутахассиси Р.Тожиқулов ноҳақ ишдан бўшатилади. 11 йил шу соҳада меҳнат қилган мутахассис адолат излаб мутасадди идораларга қайта-қайта мурожаат этади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги унинг тақдири билан боғлиқ масалани чуқур ўрганиб, ноҳақ ишдан бўшатилганлигини эътироф этса-да, у ишлаётган ташкилот мутасаддилари Р.Тожиқуловни қайта ишга тиклаш масаласини пайсалга солдилар. Охироқибат мутахассис касаба уюшмаларидан нажот излаб келди. Шикоят юзасидан текшириш ўтказилганда, у билимдон, яхши мутахассис, айни пайтда, ўз ҳаққини таниган инсон эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, 3 нафар вояга етмаган фарзанди, ногирон турмуш ўртоғи ҳам унинг қарамоғида бўлган. Адолатни тиклаш учун тажрибали ҳуқуқшунослар жалб этилди. Расмиятчилик, инсон тақдирига беписандлик бўлавергач, «Ишонч» газетасида «Жазо - меҳнат қонунларига зид» сарлавҳали мақола чоп этилди. Шундан сўнггина адолат қарор топди. Р.Тожиқулов севимли касбига қайтди. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришда меҳнат қонунчилигининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтирдик. Сўнгги йилларда қонунга зид равишда ишдан бўшатилган мингдан ортиқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари касаба уюшмалари аралашуви билан тикланди. Қурултойдан сўнг Федерация Кенгашига тушган 2399 та мурожаатдан 1994 таси ижобий ҳал этилди. Аммо ходимлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг асосий механизми бўлган ёлланма меҳнат кишиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида ҳали кўп ишлашимиз керак.

- Меҳнаткашлар ҳак-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлиш осонмас. Баъзида адолатни юзага чиқариш учун росмана курашиш, ўз нуктаи назарини ўтказа билиш даркор. Бу эса кучли билим, қатъиятлик ва албатта амалдаги қонунларни пухта билишни тақозо этади.

- Қонун - ҳар бир фуқаро учун қалқон, шу билан бирга адолат ва ҳақиқат посбони. Соҳибқирон Амир Темур эътироф этганларидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда адолат бўлади». Қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш, албатта, муваффақиятни таъминлайди. Одамларимиз ҳам қонун доирасида яшаш афзалликларини чуқур англаб етмоқдалар. Мамнуният билан таъкидлайманки, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқдалар.

Сир эмаски, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласи долзарб муаммолардан биридир. Бу борада Федерация Кенгаши Раёсати таъкидлаб ўтганидек, бир қатор ишлар амалга оширилди. Иш ҳақи тўловларидан қарздорлик кўлами, энг йирик қарздорликка йўл қўйган корхоналар бўйича мониторинг йўлга қўйилди.

Қарздорликни бартараф этиш учун иш берувчилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига расмий талабномалар қўйиш, суд ва прокуратура органларига мурожаат қилиш амалиёти оммавий тус олди. 2003 йилнинг 6 ойида судга 80 та, прокуратурага 310 та ариза билан мурожаат этилди ҳамда талабларни қондириш тўғрисида қарорлар олинди.

Аммо мазкур муаммонинг ечимини топиш, айниқса, ёқилғи-энергетика, агросаноат мажмуи, кимё ва машинасозлик саноати, қурилиш, темир йўл қурилиши ва автомобил транспорти тармоқларида қийин кечмоқда. Металлургия ва машинасозлик саноати, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо тармоқ касаба уюшмалари, Андижон, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари касаба уюшмалари кенгашлари ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари имкониятларидан етарлича фойдаланмаяптилар.

- Меҳнаткашлар манфаатларини таъминлаш ва ёклашда жамоа шартномаларининг аҳамияти алоҳидадир, деган гап бор. Бу ҳаётда ўз ифодасини кандай топмоқда?

- Меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда жойларда имзоланаётган тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар 1995 йилда республикамизда 20 мингта жамоа шартномаси имзоланган бўлса, ўтган йили улар сони 47 мингтага етди. Бир сўз билан айтганда, бугун республикамизда ўрта статистик ходим йил давомида тўлаган касаба уюшма аъзолик бадалларига нисбатан жамоа шартномаси орқали 18 баробар кўп бевосита ва билвосита даромад ва манфаат кўраяпти.

Бу борада идоравий статистик ҳисоботларнинг жорий этилиши эса имзоланаётган жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтирмоқда. Энг муҳими, нафақат ходимлар, балки иш берувчиларда ҳам жамоа шартномавий фикрлаш тарзи қарор топмоқда. «Оҳангароншифер», «Намангантелеком» корхоналарида жамоа шартномасининг айрим бандлари бажарилмаганлиги учун касаба уюшма қўмитаси иш берувчиларни суд жавобгарлигига тортган. Бу эса жамоа шартномаси корхонанинг асосий қўлланмаси, ҳаракат дастури, қоларверса, ишончли қонунига айланиб бораётганидан далолатдир. Нодавлат сектори корхоналарида меҳнат қилувчи ходимларнинг муайян қисми бундан икки-уч йил муқаддам касаба уюшмаларига аъзо эмас эди. Ўзўзидан маълумки, улар ижтимоий-иқтисодий ҳимоя тизимидан четда қолишаётганди. Мазкур муаммони Раёсат йиғилишида муҳокама қилдик, аниқ тадбирлар белгиланди. Улар изчил амалга оширилиши туфайли «Ургут-Лада-Мрамор», «Самарқанд саховати», «ДЭУ текстайл», «Тэкмен», «Ут-Жизантеп», «Поп-Фен» сингари 20 дан зиёд қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

Бу йўналишдаги ишлар давом этаяпти. Ўтган йили касаба уюшмалари фаолият юритаётган қўшма корхоналар сони 1999 йилга нисбатан 305 тага, хусусий корхоналар эса 37595 тага, жамоа мулкига доир корхоналар 1272 тага кўпайди.

Касаба уюшма органларида жамоа шартномаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибининг жорий этилиши уларнинг сифат ва самарадорлигини таъминламоқда. Бу ҳақиқатни нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик ҳамкорларимиз ҳам эътироф этаётгани қувончли ҳолдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим касаба уюшма органлари жамоа шартномаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказишнинг туб моҳиятини тўлалигича тушуниб етмаяпти. Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Фарғона вилоят қўмитаси 2002 йилда қабул қилинган 32 та жамоа шартномасининг бирортасини ҳам экспертизадан ўтказмаган ва рўйхатга олмаган. Вилоятдаги енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси эса 124 та жамоа шартномасини экспертиза қилмасдан рўйхатдан ўтказган. Оқибатда «ДЭУ текстайл» корхонасининг жамоа шартномасига биноан ходимлар учун 48 соатлик иш ҳафтаси жорий этилган. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлисида бу муаммога эътибор қаратилганидан сўнг, мазкур корхона жамоа шартномаси қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

Айни кунда республика миқёсида амал қилаётган тармоқ келишувларида меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, бандлик кафолати, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ўз аксини топган. Алоқа, қурилиш, ёқилғи-энергетика тармоқларида қабул қилинган келишувларнинг сифати, тариф келишувлари талабларига яқинлиги, Хоразм, Тошкент, Навоий вилоятларида амал қилаётган ҳудудий келишувлар юқори савияда ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг бажарилиши устидан назорат механизми барпо этилгани диққатга сазовордир.

Инсон меҳнати қадрланган жойдагина унумли ишлайди, янгиликлар яратади. Касаба уюшмаларининг барча эзгу ишлари худди шу масалаларга йўналтирилган. Бугунги ишчи озод юрт фуқароси сифатида ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади. Қолаверса, уни ҳимоя қилаётган ўнлаб ташкилотлар қаторида касаба уюшмалари ҳам борлигини чуқур англамоқда. Ишловчилар учун соғлом ва бехавотир меҳнат шароити яратиш ҳам жамоа шартномасининг муҳим йўналишларидан бири. Жойларда касаба уюшмаларининг меҳнат хавфсизлиги бўйича вакиллик институтларини ташкил қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш долзарб масалалардан биридир. Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина...

- Соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида етакчи ўрин тутади. Шу маънода 2003 йилги мавсум кандай ўтди, ундан касаба уюшмалари етакчиси сифатида кўнглингиз тўлдими?

- Хурматли Президентимиз ташаббуси билан Мустақиллик йилларида келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларга меҳрибонлик кўрсатиш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, соғлом авлодни камол топтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари асосида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларида «Она ва бола» бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга эътибор янада кучайтирилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг муносиб ўрни бор, деб айта оламиз.

Бугунги кунда Федерация тасарруфидаги барча санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашлар хизматига сафарбар этилган. Ижтимоий суғурта бюджетининг асосий қисми меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилгани бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигидан далолат. Мазкур маблағ ҳисобидан ўтган йили 406 минг киши санаторий ва дам олиш уйларига, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилаётган 224 минг киши санаторий-профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. Сўнгги уч йилда даволанувчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида санаторийлар тармоғини кенгайтириш, реконструкциялаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига эътибор кучайтирилди. «Бўстон», «Чорток» санаторийларида сув билан даволаш бўлими, «Ботаника» ва «Турон», «Чинобод», «Оқтош»да оилавий коттежлар, «Умид гулшани», «Қашқадарё соҳили»да янги даволаш бўлимлари фойдаланишга топширилди. 125 ўринли «Хонқа» санаторийси қурилиб, ишга туширилди.

Жисмонан бақувват, шу билан бирга иймон-эътиқоди мустаҳкам, маънавияти юксак, мард ва жасур авлодни тарбиялаш зиммамизга катта масъулият юклайди, омилкорлик билан ҳаракат қилишга ундайди. Шу мақсадда сўлим масканларда азиз фарзандларимизни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида 581 та оромгоҳ фаолият кўрсатди. Барча турдаги оромгоҳларда 240716 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Касаба уюшмалари Оролбўйи минтақасида яшовчи болаларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг энг сўлим, баҳаво масканларида соғломлаштириш ташаббусини давом эттирди. Қорақалпоғистон Республикасидан 2,5 минг, Хоразм вилоятидан келган 1,5 минг нафар болажон сўлим гўшаларда дам олдирилиб, саломатликлари мустаҳкамланди.

Шунингдек, спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўли билан ёш авлодни соғлом, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш масаласи ҳам диққат-эътиборимизда. Айни кунда касаба уюшма тизимидаги саксондан ортиқ спорт мактабларида 32 мингдан зиёд болалар ва ўсмирлар спорт билан шуғулланмоқда. Улар орасидан нафақат Ўзбекистон, балки Осиё, Жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда. Ўтган йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган халқаро беллашувларда ҳамюртларимиз қўлга киритган жами 51 медалдан 31 таси касаба уюшма спортчиларига тааллуқли эканлиги ғоятда қувончлидир.

Спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Яккасарой» спорт мажмуаси ташкил этилди. Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳи жаҳон андозалари асосида реконструкция қилинди, Самарқанд вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда сузиш ҳавзаси барпо этилмоқда. Шунингдек, «Саломатлик», «Аёллар», «Фахрийлар» спартакиадалари, мини футбол спорт тури бўйича турнирлар ўтказиш ҳам анъанага айланиб бормоқда.

- Аёл, рахбар сифатида нималар сизни кўпрок ўйлантирмокда?

- Президентимиз айтганларидек, «Аёл омон бўлса оила омон, оила омон бўлса жамият омон, жамият омон бўлса давлат омон бўлади». Зеро, аёл аввало она. Уни кўпинча қуёшга ўхшатишади. Ҳақиқатдан ҳам унинг қалбида катта қувват яшайди. Касаба уюшмалари раҳбари, Олий Мажлис депутати сифатида зиммамда катта масъулият ётганлигини чуқур ҳис этаман. Яқинда «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Винрок Интернэшнл Хотин-қизлар интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳаси, Европадаги Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази, Осиё Ривожланиш банки ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Қарорлар қабул қилиш даражасида тенгликка ва тенг имкониятларга эришишнинг ривожланиш истиқболлари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман аёллар иштирокида қарорлар қабул қилишнинг халқаро тажрибалари (АҚШ, Словакия мисолида), гендер тенглиги ва бу борадаги миллий тажриба масалаларига бағишланди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда гендер тенглигини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос мавжуд. Аёллар ҳуқуқларини Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, Меҳнат ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳимоялайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави ва дастурий ҳужжатларида ҳам аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ихтиёрий касб танлаш ҳуқуқларини кенгайтириш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишга жойлаштириш, тенг аъзолик ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, аёллар касаба уюшмалари ҳаракатининг мустаҳкамланишида фаол иштирок этадилар. Касаба уюшмалари ва ишлаб чиқариш жамоалари сафига қўшилиш билан ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшадилар. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва мамлакат ҳаётидаги ролини оширади.

Жамоа шартномалари ва келишувларга асосан 600 минг нафар аёлга қўшимча таътиллар берилмоқда. Шунингдек, 40 минг нафар аёлга ҳомиладорлик ва туғишдан кейин бериладиган таътиллар иш берувчининг маблағлари ҳисобидан қонунда белгиланган муддатга нисбатан бир-икки ойга узайтирилди. Шунингдек, мактаб ёшигача фарзандлари бор, кўп болали аёллардан 200 минг нафарига қисқартирилган иш куни белгиланган ва уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 40 мингдан ортиқ аёллар эса боласи икки ёшдан уч ёшга тўлгунча тўланадиган моддий ёрдамдан баҳраманд. Бундан ташқари, доимий равишда моддий ёрдам кўрсатилаётган оилалар рўйхатга олинган.

Фикримизча, бу борада ҳали диққат-эътибор талаб қиладиган жиҳатлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Бунинг учун биринчи навбатда аёлларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари, янги қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини тўла англаб боришлари зарур. Аёл қонунни тушуниб, унга суяниб яшамас экан, ҳаётда қийналиб қолиши табиий. Ниятимиз, ҳар бир аёл ўз қадрини чуқур англаб етсин!

Суҳбатдош
Амина КОДИРОВА,
«Ишонч» махсус мухбири

Меҳнатдан келса бойлик

ҲАР БИР ИШЛОВЧИГА БИР ТОННАДАН БУҒДОЙ

Ширкат хўжалиги раиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» Суюн Абдиевни Мамат Ботиров бошлиқ пудратчилар даласида учратдик. Шиға-шиға кўсаклардан эгилган ғўзалар оппоқ либосга бурканган. Оқ кемада товланаётган пахтазорлар куз шамолида оҳиста тебранади.

Мамат Ботиров бошлиқ оилавий пудратчилар ҳузурига мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташриф буюриб, далаларни кўздан кечирган ва деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашган эдилар.

– Юртбошимиз иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигидаги долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, пахтанинг эртапишар навига алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтирдилар, - дейди пудратчи. – Ҳосилнинг камида 90 фоизини биринчи навга топширамиз. Бунинг учун пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тез ва сифатли йиғиштириб оламиз.

Суяги деҳқончиликда қотган Мамат ака катта ҳаётий тажрибага эга. Чигитни экишдан тортиб ҳосилни саранжомлаб олишгача бўлган агротехник тадбирларни қачон ва қай тарзда амалга оширилишини яхши билади.

Бултур давлатга 80 тонна пахта, 77 тонна ғалла топширилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 43 центнерга етказилди. Бу йилги режа 50 центнерлик маррани эгаллаш.

Меҳнат фаровонлик манбаи. Режадан ташқари етиштирилган ғалла ҳар бир ишловчига бир тоннадан тарқатилди. Пудрат бўйича 11 миллион 313 минг сўм даромад қилинган бўлса, шундан 2 миллион 739 минг сўмини соф фойда ташкил этади. Ҳар бир ишчининг йиллик даромади ярим миллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳисоб-китоб билан ишлаган деҳқоннинг ошиғи олчи, турмуши яхши кечаяпти. Ботировлар оиласининг даромади ҳам кўпайиб бораяпти. Ўғли Истам, келинлари Дилором ва Дилфуза оилавий пудратда ишлашади. Мамат ака набиралари Азизжон ва Лазизжонларнинг суннат тўйига орттирилган даромаддан бир қисмини сарфлашини, эл-юртга дастурхон ёзиб, ош тортишини мамнунлик билан изҳор этди.

Рўзғори бут, бахти бекам, танти деҳқонларга тўйю томошалар ярашади. Ширкатда ҳам хўжаликни, ҳам уйрўзғорини маъмур этаётган Олим Иброҳимов, Шуҳрат Ҳамроев, Усмон Каримов, Ҳосият Исматова, Ҳайри Ирисов, Сунатилло Шерқулов сингари оилавий пудратчилар даласида йиғим-терим худди байрам мисоли шодиёна кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги нафақат Қарши туманида, балки Қашқадарё вилоятидаги юқори рентабелли жамоалардан бири. Ўтган йили хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 37,2, ғалла ҳосилдорлиги 50 центнерга етди. Пахтачиликдан 909 миллион 194 минг сўм даромад олинди. Барча соҳалардан келган ялпи даромад 1 миллиард 851 миллион 790 минг сўмни ташкил этди. Сарфу харажатлар чегириб ташланганда, тармоқда 379 миллион сўм соф фойда олингани маълум бўлди. Рентабеллик даражаси 30 фоизга тўғри келди.

Меҳнат фаровонликка йўл очаяпти. Яхши ишлаган деҳқон яхши яшаяпти. Ялпи даромаднинг бир қисми хўжаликни ободонлаштириш, йўллар, уй-жойлар қуриш, мактабларни таъмирлашга сарфланаяпти. Лаганди, Қоракучи, Кожор қишлоқлари аҳолиси табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминланган.

Қишлоқларни айлансангиз, гул-гулзорлар, мевали боғларга бурканган ораста, саранжом-сариштa хонадонларни кўриб қулфи-дилингиз очилади. Болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пункти, замонавий мактаб, клуб ва кутубхоналар, спорт ўйингоҳлари, кўплаб савдо, маданий-маиший муассасалар аҳоли хизматида.

Собир Раҳимовликлар қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини биринчилар қаторида тушуниб етишган. Ер майдонлари пайчилик асосида оилавий пудратчиларга тарқатилган. Пахтачиликда 116 та, ғаллачиликда 79 та пудратчи бор. Улар билан тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши қатъий назоратда. Сув, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларининг сарфи аниқ ҳисоб-китоб қилинди.

Мамлакат Президентининг ширкат хўжалиги меҳнаткашлари билан мулоқотлари деҳқонлар руҳини кўтариб, эл-юрт манфаати йўлида янада самаралироқ ишлашга чорлади. Бу йил хўжалик бўйича ғалланинг ҳар гектаридан 55,1 центнердан хирмон кўтарилиб, 5351 тонна дон топширилди. Биргина ғаллачиликнинг ўзидан 460 миллион сўм даромад келди.

Жорий йилда хўжаликнинг ялпи даромади 2 миллиард сўмдан ошади. Барча тармоқлардан 500 миллион сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 35 фоизга етказилиши режалаштирилган.

– Олинган фойдадан кам таъминланган ўқувчиларга 3 миллион сўмлик дарсликлар олиб берамиз, - дея суҳбатни давом эттирди хўжалик раиси С.Абдиев. – Хўжалик марказида замонавий болалар спорт мажмуаси барпо этилади. 3 миллион сўм маблағ кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ажратилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ЁРДАМИДА

Бугунги кунда Янгийўл шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Янгийўлсут» сутни қайта ишлаш корхонасининг алоҳида ўрни бор. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги боис ҳам харидоргир. Айни пайтда корхона айрим ижтимоий муаммоларга ечим топишда ҳам хизмат қилмоқда. Натижада 22 нафар одам фойдали меҳнатга жалб этилгани бунинг исботидир. Бир маромда ишлаб турган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида 8 хил турдаги хоржникидан қолишмайдиган сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ҳозиргача 380 тоннадан ортиқ сут қайта ишланиб, 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ўз истеъмолчиларига етказиб берилди.

Айни пайтда эса корхона мутахассислари маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш йўлида доимий изланишлар олиб боришаяпти.

А.ХУДОЁРОВ

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.



Касаба уюшмалари шифо масканларида

НУРБУЛОҚ ҚИШЛОҒИДАГИ СИҲАТГОҲ

Нурбулоқ кишлоғи ҳудудида ер қаъридан чиқаётган сувнинг маъданли, шифобахш эканлигини аниқланганига салкам ярим аср бўлаяпти. Бир тарафи Қашқадарё чўлларига туташиб кетадиган бу даштда ўша вақтларда ичимлик суви тақчил эди. Шунинг учун ер бағридан чиққан сувни аҳоли истеъмол қилар, турмушда қўлланарди. Бунинг натижасида вужудга тетиклик пайдо бўлаётганини, оёк-қўл, бел оғриғи, асаб хасталиклари ариётганини зийрак кишилар илғаб олишди.

Бу хабар кенг ёйилгач, олимлар тадқиқот ўтказиб, сувнинг таркибида шифобахш маъданлар, айниқса, родон ионлари борлигини аниқлашди. Афсуски, бир неча ўн йилликлар мобайнида табиатнинг ўзи инъом этган ажиб неъмат, дунёда тенги йўқ родонли сувдан самарали фойдаланилмади. Катта сиҳатгоҳ қурилиши чала қолиб кетди.

Фақат республикамиз мустақилликка эришгандан сўнггина Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги ҳозирги Абу Али ибн Сино номли санаторийда фаолиятини барқарор йўлга қўйишга киришилди. Эндиликда 200 ўринли мазкур сиҳатгоҳда ҳар йили кўплаб беморлар дардига даво топмоқда. Бу ерда 113 нафар тиббиёт ходимлари эл саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда.

– Сиҳатгоҳда ҳозир муолажа учун икки хил маъданли сув қўлланилаяпти. Таркибида родон иони, хлорид сульфат, натрий, кам ишқорли азот моддалари бўлган табиий иссиқ сув асаб, юрак-қон томир тизими, бепуштлик, теридаги жароҳат асоратлари, аллергия ва бошқа кўплаб хасталикларни даволашда қўлланилади. Биздаги сув хусусиятига кўра машҳур Цхалтуба, Мацеста, Тожикистондаги Обигарм сувларидан фойдалироқдир, – дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Адолат Мусинов. – Иккинчи хил маъданли сув хусусияти Феодосия (Қрим) сувига ўхшаш бўлиб, ошқозон-ичак ва урологик касалликларга даводир. Нурбулоқ шифобахш сувининг довруғи Россия, Болтиқбўйи республикаларига ҳам етган.

Санаторий замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Дам олувчиларни даволашда бир неча турдаги физиотерапия муолажалари, массаж, парафин, балчиқ, игна санчиш усули, сув ванналари кабилар қўлланилади. Тиббий тавсияларга мувофиқ парҳезли овқатланишнинг ҳам аҳамияти катта бўлаётир.

Дам олувчиларга хизмат кўрсатиш ҳақида сўз кетганда, сиҳатгоҳда кўп йиллардан бери ишлаётган шифокорлар Абдумажид Шарипов, Маҳбуба Пўлатова, Нодира Норбоева, Бердирасул Холмуродов, ҳамшира Ойниса Эгамбердиеваларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш керак. Яқинда катта қўламда амалга оширилган таъмирлашдан сўнг бир ва икки ўринли оддий ҳамда люкс хоналар ташкил этилди. Клуб қайта жиҳозланди. Спорт майдончалари қурилди. Миллий чойхона, қизиқарли ўйин-машғулот хоналари фаолият кўрсатаяпти. Дам олувчиларнинг истагига кўра Самарқанднинг тарихий ва муқаддас масканларига саёҳатлар уюштирилаяпти.

Айни чоғда бу ерда янги даволаш корпуси биноси қурилиши бошланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва курортлар бошқармасининг ёрдами билан сиҳатгоҳга тоза ичимлик суви, янги жиҳозлар келтирилди. Вилоят ҳокимлиги ҳам четда турмади. Ҳокимлик томонидан сиҳатгоҳга 2200 дона шифер ажратилиб, бинолар томи қайтадан тўлиқ ёпилди. Сиҳатгоҳ ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Фаввора қурилди. 1,5 минг туп дарахт ва гул кўчатлар экилди.

Хуллас, сиҳатгоҳ эндиликда чинакам ҳордик ва саломатликни тиклаш масканига айланди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ЙЎЛЛАНМАЛАР ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА

Шўрчи туман «Донмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида жорий йилнинг 6 ойи давомида 17 минг 928 тонна ун, 8 минг 655 тонна омухта ем, 184 тонна макарон, 14 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2500 тоннадан зиёд маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Корхона 83 миллион сўм соф фойдага эришиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўтган йилга нисбатан анча ўсди.

Корхонада 762 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Иш 3 сменада ташкил этилган жамоада ишчанлик аҳиллик шаклланганлиги сабабли меҳнат самарадорлиги кундан кунга ошмоқда.

- Асосий мақсад маҳсулотларимизни сифатли бўлишига эришиш ва шу йўл билан ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга қаратилган, - дейди завод директори Омон Чўтов.

Ташкилотда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси асосида иш олиб бормоқда. Ишчиларнинг дам олиши яхши йўлга қўйилган.

Нафақага чиқиб, қарилик гаштини сураётган собиқ ишчиларни байрамлар арафасида моддий рағбатлантириш анъана тусини олган. Ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Шифо соғломлаштириш» маркази ташкил қилинган.

Корхона касаба уюшмаси қарори билан жамоа шартномаси бандига асосан ушбу санаториига йўлланмалар ишчи-хизматчиларга 70 фоиз арзонлаштирилган нархда берилмоқда. Болалар боғчаси бадалларининг 50 фоизи корхона ҳисобидан тўланади. Комбинат таркибидаги спорт комплекслари тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Бу ерда бўлимлараро футбол беллашувлари ўтказилади. Аёллар ўртасидаги волейбол мусобақалари анъанага айланган.

Шу йил ишчи-хизматчиларнинг фарзандларидан 62 нафари «Вахшивор» оромгоҳида имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Айни пайтда ишчилар учун дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари шинам ҳолга келтирилган.

- Бизнинг жамоамиз аҳил ва иноқ. Ишчиларга кийимкечак, қатиқ ва сут маҳсулотлари бепул ташкил қилинган. 50 фоиз арзонлаштирилган «Лаҳза» ошхонаси ишчилар хизматида.

Ҳиссадорлик жамиятида ободончилик ишларига ҳам эътибор берилмоқда. «Обод маҳалла йили» муносабати билан «Бобур» номли маҳалла ҳудудида тозалик, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Корхона ва маҳалла ҳудудига бир миллион сўмлик мевали ва манзарали дарахтлар, турли хил гул кўчатлари экилди.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон-Германия: ҳамкорлик қирралари

ШЕРИКЧИЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Тошкентда ГФР технология ва иқтисодиёт вазирлигининг "Иқтисодиётнинг ўрта бўғинида инновация лаёқатлилиги" дастури доирасида Ўзбекистон ва Германиялик эксперт ва мутахассисларнинг икки томонлама шерикчилик учрашувлари бўлиб ўтди. У немис иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Саноат тадқиқот бирлашмалари ишчи ҳамдўстлиги (AIF) кўмагида ташкил этилди.

Учрашувнинг мақсади атроф-муҳит муҳофазаси, чиқиндиларни қайта ишлаш,энергиянинг қайта тикланадиган манбалари, ,қишлоқ хўжалиги, меъморчилик ва қурилиш, таълим ва ахборот технологиялари соҳаларида тадқиқий шерикчиликни ўрнатишдан иборат.

Немис делегацияси таркибида федерал вазирлик вакиллари Розе-мари Бланк, Игор Луковенков ва 13 та инновация фирмалари ва илмий муассасаларнинг вакиллари қатнашди. Ўзбекистондан эса саноат корхоналари, сув муаммолари, атмосфера, нефт ва сув, геология ва геофизика, ядро физикаси, кимё ва полимерлар илмий тадқиқот институтлари, шунингдек, Бошгидромет, Гидроэнерго, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари иштирок этди.

– Германиядаги корхоналар бутун дунёда янгиликларни татбиқ этишга мойиллиги билан танилган, - деди йиғилишда сўзга чиққан Р.Бланк. - Айнан шу боис у ердаги кичик корхоналар кўпинча ихтисослашган бўлиб улар инновация хизматлари ва товарларини таклиф этишлари мумкин. Халқаро кооперация бунга самарали ёрдамлашади. Бир вақтнинг ўзида у иқтисодий тараққиётнинг катализатори воситасини ўтайди, хусусий ишбилармон доиралар мавқеини мустаҳкамлайди ва икки мамлакатда иш билан бандликни таъминлайди. Шундай қилиб у давлатларимиз орасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришга сезиларли улуш қўшиши, уни кенгайтиришга мустаҳкам замин яратиши мумкин. Бундан ташқари, яхши ишлайдиган икки шерик фойдасига бошқа мамлакатларда рақобатбардошликни мустаҳкамлайди.

"Туркистон-пресс"

«ЖЕНЕРАЛ МОТОРС» РАҲБАРИНИНГ ЮҚОРИ БАҲОСИ

«Женерал моторс» компанияси президенти Ник Райли Андижон вилоятида бўлди. Сафардан мақсад - республикада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар билан танишиш, уларнинг сифатини баҳолаш. Дунёга машҳур компания раҳбари «ЎзДЭУавто» учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи қўшма корхоналар ҳамда машиналарга техник хизмат кўрсатувчи «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

У ишлаб чиқариш жараёни қандай йўлга қўйилгани, кадрлар масаласи қандай ҳал этилиши, маҳсулот рақобатбардошлиги ва меҳнат маданиятини ошириш учун нима қилинаётгани билан қизиқди. «ЎзДЭУавто»да у технологик жараён, меҳнат шароитларини кўздан кечирди. Меҳмон автомобилсозларга юқори баҳо берди.

- Бундай қисқа муддатда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юқори сифатли автомобилларни ишлаб чиқаришга қодир юқори малакали ходимларни тайёрлаш энг юксак таҳсинга лойиқ,- деб таъкидлади у.

(ЎзА)

Саволингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Ҳабиба Асадова жавоб беради

САВОЛ: биз давлат маблағлари ҳисобидан таъминланадиган корхонада ишлаймиз. Корхонанинг йиллик харажатлардан иқтисод қилинган пулларини ана шу муассасанинг кўп йиллик фаол ходимларини рағбатлантириш учун сарфлаши мумкинми? Агар шундай бўлса қай тартибда амалга оширилади?

М.УСМОНОВ,
Балиқчи тумани

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 153-моддаси 2-бандига асосан меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Агар корхонада йил якунида ойлик маош маблағлари ҳисобидан иқтисод қилинган пул етарлича бўлса, ходимларни йил якуни бўйича рағбатлантириш мумкин. Бу рағбатлантириш барча касб эгаларига тегишли бўлади.

Узлуксиз иш стажи ҳозирги шароитда меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тўлдиришда, нафақага ва таътилга кетишда ҳисобга олинмайди. Яъни: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 285-моддасига асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлганда ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақи тўлиқ миқдорида тўланади. Бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорида тўланади.

Меҳнат Кодексининг 136-моддасига асосан йиллик қўшимча таътиллар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади. Меҳнат Кодексининг 98-моддасига асосан, корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади.

Янги мулкдор корхонанинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 100 модда иккинчи қисмининг 6 банди). Корхонанинг бир ташкилот бўйсунувидан бошқа бир ташкилот бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди, яъни ишчи ишдан бўшаб ариза билан иш ўрни ўтказилган ташкилотга ўтиши шарт эмас.

Саволингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

САВОЛ: меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги туфайли нафақа тайинлаш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангизлар.

С.МАМАЖОНОВА,
Гулистон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 95-бандига асосан Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганлик ҳақидаги (Н-1 шаклида) далолатнома асосида тайинланади.

Агар бахтсиз ҳодиса бошқа шароитларда рўй берса (уйда, ишга бориш ёки ишдан қайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда), нафақа рўй берган бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинланади.

Мазкур Низомнинг 96-бандига кўра қуйидаги шароитларда юз берган (жиноят содир қилиш вақтида ҳаракатланиш ҳолларидан ташқари) жароҳатланиш меҳнатда майибланиш деб ҳисобланади:

а)меҳнат бурчини бажараётган пайтда шу жумладан, хизмат сафари вақтида, шунингдек, махсус топшириқ бўлмаган ҳолларда ҳам корхона манфаатини кўзлаб қилинган хатти-ҳаракатлар пайтида;

б)иш берувчининг транспортида ишга бораётган ёки ишдан қайтаётганида;

в)иш вақти давомида (шу жумладан белгиланган танаффус вақтида) корхона ҳудудида ёки бирон бир бошқа иш жойида, иш бошлашдан олдин ёки ишдан кейин иш қуролларини, кийим-кечакларини ва ҳоказоларни тартибга келтириш пайтида;

г)ички меҳнат тартиб-қоидаларига зид бўлмаган тақдирда, иш вақти давомида корхонага яқин бўлган жойда ёки бошқа иш жойида (белгиланган танаффусларда) ҳозир бўлганда;

д)асосий иш билан боғлиқ бўлмаса ҳам давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчларини бажараётган чоғида;

е)инсон ҳаётини қутқариш, ҳуқуқ-тартиботни, давлат ва жамоат мулкини, шунингдек, фуқаролар мулкларини муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажараётган пайтида;

ж)донорлик вазифаларини бажариш натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши.

Низомнинг 97-бандига асосан касб касалликлари бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган касб касалликлари рўйхатида кўрсатилган касалликлар ҳисобга олинади.

Мазкур Низомнинг 26-бандига асосан меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимнинг иш стажининг давомийлигидан қатъий назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Қарор ва ижро

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Хива туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор талабларининг бажарилиши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда бир мунча ишлар амалга оширилмоқда.

Туман деҳқон бозорида текшириш ўтказилганида, фуқаролар С.Машарипов ва Б.Машариповлар ўзаро тил бириктириб, белгиланган тартибда спиртли ичимликлар сотиш учун рухсатнома олмасдан савдо қилаётганликлари аниқланди. Улар Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ароқни ноқонуний муомалага киритиб қонун талабларини қўпол равишда бузишган.

Аниқланишича С.Машарипов худди шундай ҳаракати учун 2001 йилда Хива туман суди томонидан 20 минг 580 сўм, Б.Машарипов эса 2002 йилда 1000 сўм жаримага тортилган эди. Шунга қарамасдан яна спиртли ичимликлар билан рухсатномасиз савдо қилишган. Такрорий содир этилган ноқонуний ҳаракати учун иккала шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 407.000 сўмлик спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олиниб, мусодара қилинди.

Шунингдек, тўғказилган рейдлар давомида туманнинг Ал-Хоразмий номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Э.Отажоновдан 252 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз спиртли ичимликлар, Хива шаҳар Беруний кўчасида яшовчи фуқаро О.Қурёзовдан 36 қути «Пине» сигареталари ашёвий далил сифатида олинди.

Юқоридаги қарор талабларининг бузилиш ҳолатлари таҳлил қилинганда, ўтган давр мобайнида жами 36 ҳолатда 5 миллион сўмликдан зиёд товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинган бўлиб, шундан 4 миллион сўмга яқини давлат фойдасига ўтказилди.

Албатта жиноят жазосиз қолмайди. Кимки қинғир ишга қўл урса, охири вой бўлиши турган гап. Шу боис баъзи тадбиркорларимиз буни яхшироқ англаб етсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Б.ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбири

ЯНГИ ДАВОЛАШ МУАССАСАСИ

Пахтаобод туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг Сангработ қишлоғида жойлашган шифокорлик маскани кунига етмиш кишини қабул қила бошлади.

Янги даволаш муассасаси вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими маблағи ҳисобига "Андижонирқурилиш" трести кўчма механизациялашган жамланмаси томонидан қуриб берилди.Ушбу даволаш муассасаси 4,5 минг киши истиқомат қиладиган қишлоққа ҳамда ширкат хўжалиги аъзоларига хизмат кўрсатади.

Ҳокимликдан олинган маълумотга кўра, бу кейинги тўрт йил мобайнида туманда қурилган ўн учинчи қишлоқ шифокорлик маскани ҳисобланади.

"Туркистон-пресс"

Шарҳловчи минбари

БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 58-сессияси бошланди. Унда ташкилотга аъзо 191 давлат делегацияси иштирок этмоқда. Делегацияларга давлат ва ҳукумат раҳбарлари ёки ташқи ишлар вазирлари бошчилик қилаётир.

Бош Ассамблея 1945 йили БМТнинг халқаро масалаларни муҳокама этадиган асосий органи сифатида ташкил этилган эди. Сессияда кўриладиган асосий масалалар муҳокамаси 23 сентябрда бошланади. Унда БМТ Бош котиби ташкилот фаолияти ҳақида ҳисобот беради.

Мазкур сессияда 165 қисмдан иборат муҳим масалалар кўрилади. Улар орасида айни пайтда ўта долзарб бўлиб турган Хавфсизлик кенгашининг ҳисоботи, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш фаолияти, Халқаро суд ва МАГАТЭ, мустамлакада бўлган мамлакат ва халқларга мустақиллик бериш, Афғонистон ва Яқин Шарқдаги вазият, Фаластин муаммоси ҳамда БМТни ислоҳ қилиш масалалари ўрин олган.

Бош ассамблеянинг 57-сессияси куни кеча якунланди. Унда 19 августда БМТнинг Бағдоддаги қароргоҳида амалга оширилган терроризм ҳаракати кескин қораланди. Сессия иштирокчилари халқаро ҳамжамиятни 15 нафар БМТ ходими ва яна етти нафар тинч аҳоли вакилининг ўлимига сабаб бўлган ушбу хунрезликни уюштирганларни жавобгарликка тортиш учун ҳамкорликка чақирди. Бош ассамблея халқаро ҳамжамиятнинг Ироқ халқига бундан кейин ҳам кўмак беришини маълум қилди.

Жорий йилда ассамблея 57 қисмдан иборат, жумладан, терроризмни йўқ қилиш, БМТнинг турли миссияларини молиялаштириш, Фаластин масаласи ва Яқин Шарқдаги вазият, Афғонистондаги аҳвол, Югославия ва Уганда бўйича халқаро трибунал билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Ўтган душанба куни БМТ Хавфсизлик кенгашининг ёпиқ мажлисида бир гуруҳ араб давлатлари ташаббуси билан тайёрланган Яқин Шарқ бўйича янги резолюция лойиҳасининг овозга қўйилиши кейинга қолдирилди. Мазкур ҳужжатда Исроилнинг Фаластин йўлбошчиси Ёсир Арафотни қувғин қилишдан воз кечиши талаб қилинган.

Сурия ва Ливиянинг талаби билан резолюция лойиҳаси ўтган душанба куни овозга қўйилиши керак эди. Бироқ ҳужжатнинг ҳозирги шаклига АҚШ қаршилик кўрсатди. Энди Сурия бошқа араб давлатлари билан биргаликда ҳужжат лойиҳасини қайта ишлаб, янгисини тақдим этиши керак. Ҳозирча лойиҳа Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига расман ҳавола этилгани йўқ.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ



Байдарка ва каноэда эшкак эшиш

АНТОННИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

Олтин куз фаслининг дастлабки ойида жаҳон спорт майдонларида йирик спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Унда юртимиз спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ниҳоясига етган, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этган, касаба уюшмалари спорт мактаби тарбияланувчиси Антон Ряхов совриндорлар сафидан жой олди. У мусобақада маррага учинчи бўлиб етиб келди ва чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди.

Эркин кураш

ДИЛШОД АФИНАГА БОРАДИ

Яна бир касаба уюшмалари спорт мактаби вакили Дилшод Мансуров ҳам эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Дилшод финал беллашувида молдавиялик рақибини доғда қолдириб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шу билан бирга мусобақа низомига кўра у энди Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада – 2004 спорт ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЧЕХИЯДА ЯНГРАГАН ТАРОНА

Ўзбек ва чех мусиқа санъати усталари ўртасида қарор топган мустаҳкам ижодий алоқалар икки халқ маданиятлари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ мусиқа санъатига оид кўпгина китоблар нашр этилмоқда.

Ўзбекистонлик мусиқашунослар изланишлари маҳсули сифатида "Чех созандалари Ўзбекистонда" деб номланган тўплам чех тилида Прагада чоп этилди. "Ўзбек мусиқаси тарихи " китобида эса чех ва ўзбек бастакорлари ижодий ҳамкорлиги ҳам ёритилган.

Яқинда Чехияда ўтказилган хор асарлари мусиқаси халқаро фестивалида ўзбек -чех ижодий алоқалари тўғрисида илиқ фикрлар айтилди. Бунинг исботи сифатида фестивалда ўзбекистонлик композитор Феликс Янов-Яновскийнинг янги хор асари янгради. Париж болалар хор жамоаси ижро этган ушбу тарона фестивалга тақдим этилган энг яхши мусиқалардан бири, деб топилди.

"Туркистон-пресс"

«Авазхон» фермер хўжалиги раиси Авазхон Азимов Оҳангарон туман марказий кутубхонаси фондига 40 та бадиий китоб совға қилди. Шунингдек, шоир Барот Исроил ҳам ўзи туғилиб ўсган туманда шеърият ихлосмандлари билан бўлиб ўтган учрашувда кутубхона фондига 50 та бадиий китоб тақдим этди.

Зиё

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

унга муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак

— Бундай савобли ишларнинг аҳамияти шундаки, ҳар бир китоб ёшлар учун ҳаёт ҳақидаги билимлар хазинаси бўлиб хизмат қилади, - дейди туман маданият бўлими мудири Абдуҳаким Қамбаров. – Кутубхоналаримиз бой. Фақат уларнинг кўпчилиги эски адабиётлар эканлиги бизни ташвишга солмоқда. Бюджет ташкилоти бўлганлигимиз учун ҳам ҳозир янги китоблар олишга маблағ масаласида қийналаяпмиз. Лекин қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Қолаверса, ҳомийларимиз бор.

Туман ҳудудида 8 та маданият уйи мавжуд. Улар қошидаги халқ ансамбллари, бадиий ҳаваскорлар жамоалари иштирокида жойларда арзон нархларда пуллик хизматлар ташкил этиб келинаётир. Ана шу тадбирлардан тушган маблағнинг бир қисмини кутубхоналар ишига сарфланяпти. Дастлабки тушган маблағ янги бадиий адабиётлар сотиб олишга сарфланган бўлса, қолган қисми қиш мавсумида кутубхоналарни иситиш учун ажратилади.

Марказий кутубхона директори Райнисо Холдоровонинг таъкидлашича, туманда 25 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 19 минг 400 китобхонга эга. «Сусам» фуқаролар йиғини ҳудудида 6 та, «Телов» фуқаролар йиғини қишлоқларида 5 та кутубхона фаолият кўрсатаётганлиги қувончли ҳолдир.

Яқинда туман маданият бўлими ва марказий кутубхона ташаббуси билан ўтказилган тадбир кутубхоналар аҳволини янада яхшилаш ҳамда китобхонлар сонини ошириш муаммосини ҳал этишга бағишланди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу тадбир «Кутубхоналар реклама-си» кўрик-танлови номи билан ўтказилди. Кўрикда қатнашган кутубхона мудиралари 4 та шарт бўйича ўзларининг ижодкорлик, ташкилотчилик хусусиятларини намойиш этдилар. 15 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилаётган «Сусам» фуқаролар йиғини кутубхоначиси Хатира Донобоева ўз чиқишини китобни мадҳ этувчи шеър билан бошлади ва ўзи орзу қилган кутубхона чизмасини намойиш этди. Уфқдан бош кўтариб, чароғон нур таратишга бошлаган қуёш ва очиқ ҳолдаги китоб рамзи унинг таърифларига ҳамоҳанг бўлди.

«Қорахитой» фуқаролар йиғинидан Майрам Турғунова тайёрлаган тоғли қишлоқ манзараси, унга кўрк бағишлаб турган замонавий кутубхона суратлари, 23 йилдан буён «Телов» қишлоғида ишлаб келаётган Ҳомина Тошматова намойиш этган билимлар хазинасини мадҳ этувчи рангин буклет, «Озодлик» фуқаролар йиғини кутубхоначиси Дилфуза Топилованинг рангли қоғозлардан ясаган кутубхона биноси макети танлов аъзолари ва қатнашчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.

Яқинда Зоминда ўтказилган ёш ижодкорлар анжуманида совринли учинчи ўринни олган Дилфуза Топилованинг ёш қаламкашлар билан олиб борган ишлари ҳақидаги ҳикояси ҳам таҳсинга лойиқдир.

Кўрик қатнашчилари китобхонлар билан ўтказилаётган кечалар, адабиётлар тарғиботи, ўзлари яшаб турган масканлар тарихига бағишланган йиғинлар ҳақида кўпроқ тўхталиб ўтдилар.

Танлов якунида энг юқори балл тўплаган Хатира Донобоева ғолиб, деб топилди. Одамларга зиё тарқатувчи ана шундай маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари ҳам доимо диққат марказида. Улардан 37 нафари Самарқанд шаҳрининг зиёратгоҳ масканларига саёҳатга бориб келишди. 10 нафар зиёкор профилакторийларда саломатликларини тиклаб, дам олиб қайтишди.

Темур ҲАЙДАРОВ, Отабек ҒАФФОРОВ

САМАРҚАНДНИНГ ЧЕМПИОН БОЛАЛАРИ

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Олимпия заҳиралари шоҳмот-шашка спорт мактабини мамлакатимизда яхши билишади. Ушбу мактабда сабоқ олган Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаев, Шуҳрат Сафин, Иброҳим Ҳамроқулов сингари шоҳмотчилар халқаро гроссмейстер даражасигача чиққан спортчилар.

Ҳозир уларнинг ишини шогирдлари давом эттирмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ушбу мактаб шоҳмотчилари ўзларининг нималарга қодир эканлигини яна бир бор исботлади. Мусобақа низомида ўз гуруҳида биринчиликни қўлга киритган шоҳмотчи жаҳон биринчилигига, иккинчи ўринга сазовор бўлган спортчи эса Осиё чемпионатига йўлланма олиши кўзда тутилган эди. Шу боис шоҳмот тахтаси устидаги кураш-лар жуда муросасиз кечди.

Хусусан, ўн ёшли болалар ўртасидаги мусобақада самарқандлик шоҳматчи Жаҳонгир Воҳидов Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

- Шоҳмот ўйнашни ўрганганимда ҳали мактабга ҳам бормасдим, - дейди ёш чемпион. - Биринчи устозим - отам Тоҳир Воҳидов. Амакиларим ҳам, оиламизнинг бошқа аъзолари ҳам шоҳмотни жуда севишади.

Жаҳонгирнинг бу гапларини ушбу мусобақада ўн ёшли қизлар баҳсларида оиланинг яна бир вакиласи - Фарангиз Воҳидовонинг учинчи ўринга муносиб топилгани ҳам исботлайди. Мусобақаларда спорт мактабининг бошқа ўқувчилари ҳам яхши иштирок этди. Ўн тўрт ёшлилар ўртасида Жамшид Мустафоев мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлса, унинг акаси Хуршид Мустафоев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида ўтган «Опен-2003» халқаро шоҳмот турнирида ҳам Воҳидовлар сулоласининг яна бир вакили Нодир Воҳидов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ўн бир ёшли шоҳмотчимиз тўққиз имкониятдан етти очко жамғариб, бош совринни қўлга киритди. Эътиборлиси, у охирги турда Амирликлар вакили, халқаро спорт устаси Ганем Ал Салетийни мағлубиятга учратди.

(ЎзА)

Назм бўстонида

ОҒОҲЛИК

Болам, қўй, қўлингга олма сира тиғ,
Бир нарса билмаса гапирмас отанг.
Бировга айтилган бехос сўз — аччиқ,
Асабларни тайин тортмоғи таранг.

Бир кичик учқундан касофат ёнғин,
Уруш алангаси даҳшат беқиёс.
Унинг ёруғида қора тун ёлқин,
Уйқашдир чўғида совуқ эҳтирос.

Синамоқ бўласан тиғнинг дамини,
Бармоғингни тилиб кетса-чи, болам.
Бизлар кўп тортганмиз ҳаёт ғамини,
Ўлдириши мумкин ўтмас пичоқ ҳам.

ТИЛЛА БАЛИҚ

Қуруқ ваъдаларга ишонаверма,
Ёлғонлар рост каби туюлар баъзан.
Ишонарми эдинг тушга туш кирса,
Гапирмайди ҳатто тилла балиқ ҳам.

Қаср бўлиб қолмас кулба ҳеч қачон.
Пешонага битган тешик тоғора -
Тешик ҳолда қолур,
Агарки инсон
Мушкулига ўзи топмаса чора.

Тилла балиқ нима,
Жонзот шунчаки,
Унинг ҳам биз каби битта жони бор.
Асраб-авайлаши шундан,
Негаки
Шу ёлғон дунёсиз чини ҳам бекор.

БАХТ ҚУШИ

Бошимга бахт қуши қўнди-ю
Аммо
Ғўрлик қилиб қўйдим,
Болалик қилдим.
Дон сочиб аврашни билмадим асло,
На инда тутқунда тутишни билдим.
Учириб юбордим бехосдан уни,
Қайдам,
Қай манзилни тутди у қўноқ?
Дилим ғаш,
Ёмоннинг бошига қўниб
Яхшилар тоқатим қилмасайди тоқ...

ОҚ ҚОҒОЗ

Оқ қоғоз...
Онадан янги туғилган —
Гўдакдек бокира, маъсум, беғубор.
Қалам тегинди-ю назокат билан,
Қолмади ўзида сира ихтиёр.

Оқ эмас энди у,
Қора ҳам эмас,
Сип-силлиқ юзларга тортилган чизиқ.
Ким уни қўлидан қўймас бир нафас,
Ким эса отади ғижимлаб,
Қизиқ?

КЎЗГУ ОЛДИДА

Кўзгуга боқасан дам-бадам,
Ороланиб, товланиб бот-бот.
Қошларингда топиб ранг қалам,
Кўзларингдан жон олур ҳаёт.

Ҳижолатда фарангий атир,
Ҳам уятлиғ арабий хино.
Кўзгу кўзгу бўлиб кўрмабдир
Бунча нозу бунча истиғно!

Ошиқасан қайларга, билмам,
Юрагимга солиб лаҳча чўғ.
Мен-ку майли, ҳатто кўзгу ҳам
Сира қўйиб юборгиси йўқ.

ТЎРТЛИК

Розиман не тушса сен билан бошга,
Изн бер, гул унсин жон кириб тошга.
Мўъжиза шу бўлса гар мен ишондим,
Юз бермас мўъжиза мен учун бошқа.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

ПЎЛАТ АКАНИНГ ГУЛЛАРИ

Бобокалонимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига тайёргарлик ишлари жадал давом этмоқда. Ғиждувон шаҳри таниб бўлмас даражада чирой очяпти. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган усталар Улуғбек мадрасаси, Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳида сўнгги таъмирлаш ишларини бажаряпти. Зиёратгоҳ қаршисидаги деҳқон бозори шаҳар чеккасига кўчирилди. Бозорнинг маъмурий биноси қайта таъмирланиб, болалар спорт клубига айлантирилди.

Ушбу иншоотлар атрофида эса улкан хиёбон барпо этилмоқда. Хиёбон гулсиз бўлмайди. Ғиждувонлик машҳур гулчи Пўлат ака Йўлдошев ўз боғида парваришлаётган 150 турдан зиёд анвойи гулларнинг энг чиройлиларини юбилей маросими ўтадиган майдон атрофидаги хиёбон ва боққа ўтқазишни бошлаб юборди. Ғиждувонлик оқсоқоллар Пўлат акадан ибрат олиб, ўзлари яшаётган кўча ва маҳаллаларни гулзорга айлантирмоқда.

Мулоҳаза

Аёл ишдан уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай хонадонида уни кутиб турган бир дунё юмуш ҳақида ўйлайди: «Овқатни қайнатиб қўйиб, уйни супириб-сидириб оламан. Тоғорага ивитиб қўйган кирларни ювамман, кечаги ювилганларини дазмоллайман. Сўнг чала қолган кўйлагимни тикиб қўяман. Улгурсам, бирор хил ширинлик пиширарман...» Бу аёлнинг уйида бири мактабдан, бири боғчадан қайтиб, «дом»га камалибгина ўтирган кичкинтойлари бор. Улар гоҳ соатга, гоҳ дераза орқали кўчага тез-тез қараб қўяверишади. Аёл эса болалари уни нима учун кутаётганликларини ўйлаб ўтиришга ҳам вакти йўқ. У ишдан келибок, адоғи йўқ юмушларига кўмилиб кетади.

ИШЛИ АЁЛ...

Хўш, менинг ўзим-чи? Мен ишдан қайтаётиб нималар ҳақида ўйлайман. Уй юмуши оралиғида яна бир муҳим юмуш борлиги, у ҳам бўлса бола тарбияси учун вақт ажратиш эканини ўйлайманми ҳеч? Йўқ, албатта. Болаларимиз биз ойижонларини нега зориқиб кутишлари, уларнинг бизга аталган турфа хил саволлари, жажжи истаклари борлиги ҳеч хаёлимизга келганми? Уларнинг тарбияси учун қачон ва қандай вақт ажратяпмиз?

Манбалардан бирида ўқиб қолдим: «статистик маълумотларга кўра, ҳозирги ишловчи аёлларнинг битта фарзандига ажратган вақти бир суткада ўн етти соняни ташкил этаркан....» Эртасига шу қизиқ фактни ҳамхонамга гапириб бердим. «Э, бу эскирган рақам-ку, - деди у қўл силтаб. - Сизга айтсам, бугунги аёл ўз фарзандига ўн етти секунд ҳам вақт ажратмайди!» Наҳотки шундай бўлса? Беихтиёр ҳар куни уйда бўладиган ҳолатларни ўзимча таҳлил қила бошладим. Қизалоғим гоҳида ёнимга келиб суйканади: «Мен билан юринг...» (Биламан, у тиззамга ўтириб, нариги хонадаги юмшоқ ўриндикда мен билан соатлаб гаплашишни хоҳлайди). «Ишим кўпда, қизим, бор, қўғирчоқларинг билан ўйнаб тур...» дейман. Қизим эса аллақачон «жонига теккан» жонсиз қўғирчоқлари билан ўйнагиси йўқ, бир четда жавдираб менинг ишим тамом бўлишини кутади. Унинг ўксинганини кўриб, гап қотаман: «Бугун боғчангда нималарни ўргандинг?» Шунда у жонланиб, ҳушёр тортади, ўрнидан туриб гир айлана кетади, сўнг «Мана мен қанақа ўйинни ўрганиб олдим, бир қаранг...» дейди. Мен эса бу вақтда қозон қопқоғини ёпиб, кир ювиш учун ваннахонага бурилаётган бўламан. «Ахир, бир қарашга вақт қани!» Қизалоғимни ҳафсаласи пир бўлиб нариги уйга акаси ёнига кетади.

Ўғлим-ку, мени ҳуда-беҳуда безовта қилавермайди. Шундай бўлса-да, гоҳо ўзим «бугун мактабда нималарни ўтдинглар?» деб сўраб қўяман. У мириқиб гапириб бера бошлайди. Бош силкиб қўяману, «ишимни тугатиб бориб, бирма-бир текшираман» дейман. Қаёқда! Юмуш тамом бўларканми? Хуллас, кунлар шу тахлит ўтади. Болаларимиз эса бизнинг меҳримизни, эътиборимизни, бўш вақтимизни орзиқиб кутиб яшайверади...

Аслида, фарзандларимиз бизнинг меҳримиз булоғидан сув ичиб, яйраб-яшнамоқлари зарур. Биз эса улардан чексиз меҳр-муҳаббатимизни аяймиз, баъзан. Гап болани эркалаб - суюш ҳақида эмас. Асло! Меҳр фақат эркалаш жараёнида берилмайди, аксинча, у бизнинг жисми-жонимизни бахш этишимиз баробарида болага сингдирилади. Ғўдакларимиз биздан ана шундай улкан меҳрни кутиб яшайдилар. Яна бир воқеа. Бир тунда уйқим қочиб, туриб кетдим. Кутубхонадан олган китобни мутолаа қилиб тонг оттирмоқчи бўлдим. Шарпамдан қизалоғим ҳам уйғониб кетди. Ёнимга келиб ўтирди. Бирданига меҳрим товланди. Тезгина чой қўйиб, икковимиз учун нонушта ҳозирладим. Она-бола тонг қоронғусида бирга чой ичишдик, икки соатча мириқиб суҳбатлашдик, зўр ҳафсала билан унинг гапларини эшитдим, ҳеч бир саволини жавобсиз қолдирмадим. Эртасига эса... Ярим тунда қизчам мени туртиб уйғота бошлади. Уйқу аралаш сўрадим: «Ҳа, нима бўлди?»,

- Туринг, бирга чой ичамиз!

Қизим яна менинг барвақтроқ туришимни-ю, кечаги суҳбатни давом эттиришимизни истаётган экан!

...Ишдан уйга қайтаётган Аёл. У менинг касбдошим. У менинг дугонам. У менинг опам ё синглим. У - менинг ўзим. Уйимизга боргач, уй юмушларига чоғланишдан олдин бир зум ўйлаб олайлик. Токи, шу кунги режаларимизга «бола тарбияси учун вақт» деган зарур юмушни ҳам киритайлик. Зеро, бу юмуш кундалик майда-чуйда ишларимиз ичида энг қадрлиси, энг суюклиси бўлсин.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Эҳтиром

КИЧИК ПЕДАГОГИК КЕНГАШ

«Дарахт бир жойда кўкаради», дейишади. Исматилла Раҳимов ана шундайлардан бири. Салкам кирк йилдирки у ўқитувчилик касбини ардоқлаб келаётир.

Ёш авлодга меҳр билан таълим бераётган ака ва тоғаси уйғотган ҳавас Исматиллани Қарши педагогика институтига бошлаб келди. Мурғак қалбда илк чечак отган ҳавасни ҳаётий тажриба ва малака соҳиби бўлган устозлар улғайтиришди. Институтнинг илғор ва забардаст ўқитувчиларидан ўқиб-ўрганган Исматилла бу касбга янада чуқурроқ меҳр қўйди.

1967 йили институтни муваффақиятли битирган Исматилла қўлида йўлланма ва қалбида бир олам орзу билан Қарши педагогика билим юртига келди. Унинг энг катта орзуси теран илдизлардан олган билимларини яп-роқларга бериш, уларнинг қалбига эзгулик уруғларини сочиш эди. Ва пировард натижада шундай бўлди ҳам. Исматилла Раҳимовнинг минглаб шогирдлари бугун вилоятнинг турли ўқув даргоҳларида яна қанчадан-қанча илмга чанқоқ ёшларнинг бошини силамоқда, тафаккур чироғини ёритмоқда. Бир пайтлар ундан ўрганганларини янги авлод қалбига, онгу шуурига жойлашяпти.

– Биргина ушбу ўқув даргоҳини, - дейди Қарши педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт коллежи сиртқи бўлим бошлиғи Исматилла Раҳимов, – ҳар йили мингдан зиёд талаба, жумладан, ярмини сиртқи бўлимда таҳсил олаётган ёшлар битиради.

Исматилла Раҳимов оиласини ҳамкасблари мутойиба ила «кичик педагогик кенгаш» дейишади. Бу гапда муболаға йўқ. Чунки акаси ва тоғаси изидан борган Исматилла Раҳимовнинг турмуш ўртоғи ва қизидан ташқари яна икки келини ҳам шу касбни танлашган.

Педагог шахси, унинг ҳар томонлама мукаммал инсон бўлиши, ўқитувчилардаги юксак инсоний фазилатларнинг ўқувчиларга ҳар қандай таълимдан ҳам кўра тезроқ ва теранроқ таъсир қилиши табиий.

Ўз ҳамкасблари ва иқтидорли шогирдларидан фахрланиб гапираётган устоз кўзларида нур жилваланади. У илдизлар берган озуқанинг бежиз ва беиз кетмаслигига, унинг ҳар бир япроққача етиб боришига ишонади.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири

Шаҳрихонлик амалий санъат устаси Раҳматилла Алихўжаев тадбиркорлик ташаббуслари халқаро ташкилоти (BID)нинг "Олтин юлдуз" мукофоти билан тақдирланди. Унинг номига BIDнинг сифати бўйича директори Алфонсо Касаладан табрик мактуби келди.

УСТАНИНГ ОЛТИН ЮЛДУЗИ

-Раҳматилла Алихўжаев пичоқсозлик халқ ҳунармандчилиги вилоят мактабининг асосчиси Алихўжа Убайдуллаевнинг фарзандидир. Бугунги кунда унинг ўзи отабоболарининг ҳунарини эъзозлаб давом эттираётган таниқли уста ҳисобланади. Устанинг водийда кўплаб шаҳарларида яшаётган ўнлаб шогирдлари бор. Айни пайтда уста йигирма нафарга яқин ёшларга ўз ҳунарини ўргатмоқда.

Бугунги Тошкент

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 23456